

 <p>SUPPORT SCIENCE</p>	ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES journal homepage: https://www.supportscience.uz/index.php/ojss	
--	--	---

EFFORTS TO SOLVE WATER MANAGEMENT PROBLEMS IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE (IN THE CASE OF KHOREZM REGION)

Umarbek Sheripov

Candidate of historical sciences, associate professor

Urganch State Pedagogical Institute

Urganch, Uzbekistan

E-mail: sheripovumarbek@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: collector-drainage, drip irrigation and water-saving technologies, Interstate Commission for Water Coordination (ICWC), Karakum River, soil salinity leaching, ecological disaster, drinking water issue, international conference held in Urgench.

Received: 02.11.24

Accepted: 04.11.24

Published: 06.11.24

Abstract: By the late 1980s, due to political, economic, social, and moral decline, the Soviet Union disintegrated in 1991. In this situation, the Republic of Uzbekistan declared its independence, and bold steps were taken to strengthen it. In Khorezm region, addressing water and water management issues from a scientific perspective has always been a critical matter. This article discusses scientific research related to the efficient use of water resources and water-saving technologies. It also covers agreements on jointly managing the distribution of the trans boundary Amu Darya river among neighboring republics, with the remaining water resources allocated to preserve the Aral Sea. Additionally, it provides information on financial support for Aral Sea preservation projects, including contributions from organizations outside Central Asia, such as the World Bank, the Asian Development Bank, the Islamic Development Bank, the United Nations Economic Commission for Europe, and countries like Japan, Germany, and China.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ САЅЙ-ҲАРАКАТЛАР (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Умарбек Шерипов

Тарих фанлари номзоди, доцент

Урганч давлат педагогика институти

Урганч, Ўзбекистон

E-mail: sheripovumarbek@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: коллектор-дренаж, томчилатиб суғориш ва сувни тежаш технологиялари, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси (МКВК), Қорақумдарё, ерларнинг шўрини ювиш, экологик халокат, ичимлик суви муаммоси, Урганч шаҳрида ўтказилган халқаро конференция.

Аннотация: XX асрнинг 80-йиллари охирларига келиб, рўй берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тушкунлик оқибатида 1991 йилга келиб собиқ СССР давлати тарқалиб кетди. Юзага келган вазиятда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди ва уни мустақамлаш учун дадил ҳаракатлар бошланди. Хоразм вилоятида сув ва сув хўжалиги муаммоларига илмий жиҳатдан ёндошиш ҳамма вақт ҳам долзарб масала бўлиб келган. Ушбу мақолада сув ресурслардан тўғри, сувтежамкор технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ илмий изланишлар ва оқилона фойдаланиш тўғрисида сўз юритилади. Қўшни республикаларнинг трансчегаравий дарё бўлмиш Амударё сувларини тақсимотини биргаликда амалга ошириш ва қолган сув захирасини Оролни сақлаб қолиш учун ажратилиши тўғрисидаги келишувлар бир қаторда Оролни сақлаш лойиҳаларини молиялаштиришда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа иқтисодиёт комиссияси, Япония, Германия, Хитой ва бошқа давлатларнинг ёрдами тўғрисида маълумотлар берилди.

УСИЛИЯ ПО РЕШЕНИЮ ВОДОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ (НА ПРИМЕРЕ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ)

Умарбек Шерипов

Кандидат исторических наук, доцент

Урганчский государственный педагогический институт

Урганч, Узбекистан

E-mail: sheripovumarbek@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: коллекторно-дренажные, капельное орошение и водосберегающие технологии, Межгосударственная координационная водохозяйственная комиссия (МКВК), Карақумдарёя, Промывка соленых земель, экологическая катастрофа, проблема питьевой воды, международная

Аннотация: В результате политической, экономической, социальной и духовной депрессии, произошедшей в конце 80-х годов 20 века, к 1991 году государство бывшего СССР распалось. Созданной ситуации была провозглашена независимость Республики Узбекистан и начаты смелые усилия по ее укреплению.

конференция в Ургенче.

Научный подход к проблемам воды и водопользования всегда был актуальным вопросом в Хорезмской области.

В данной статье рассказывается о научных исследованиях и рациональном использовании водных ресурсов. Помимо соглашений о совместном осуществлении распределения вод трансграничной реки Амударьи соседних республик и выделения оставшегося водного запаса для сохранения Арала, помимо стран Центральной Азии, В финансировании проектов по сохранению Арала участвуют Всемирный банк, Азиатский банк развития, Исламский банк развития, Европейская экономическая комиссия, Япония, Германия, приводятся сведения о помощи Китая и других стран.

КИРИШ

Хоразм воҳасидаги қишлоқ хўжалигининг таракқиёти экин майдонларини суғориш билан бир қаторда ер остидаги сув–туз режими балансини сақлаб туриш билан ҳам боғлиқ бўлиб келган. Дехқончилик худудларидаги ер ости сувлари паст-балаңдлигини зовур-захкаш-дренаж-коллектор тизими орқали бошқариш ишлари олиб борилган. Агар 1997-2000 йиллар ўртасидаги маълумотларга эътибор қаратсак, коллектор дренажларнинг узунлиги 3693,4 километрдан 3718,2 километрга, яъни 25,2 километрга чўзилган, холос. Шу давр оралиғида ҳар гектар ерга тўғри келадиган коллектор-дренажлар кўрсаткичи фақат 600 метрга ўсганлигини кўрамиз.[1.] Бу дегани янги коллектор-дренажлар қурилиши деярли амалга оширилмаган, борларини эса тозалаш ва қайта таъмирлаш учун экскаваторлар ва бошқа техника ускуналари етишмаган.

Сув ва сув хўжалиги муаммоларига илмий жиҳатдан ёндошиш ҳамма вақт ҳам долзарб масала бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Европа иттифоқи комиссиясининг техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш бюроси (*Узбюрорекс*) назорати остида 2001-2007 йилларга мўлжалланган “Хоразм вилоятидаги ер ва сув ресурсларини иқтисодий ва экологик қайта таркиблаш” грант лойиҳаси доирасида амалий ишлар олиб борилди. ЮНЕСКО (БМТ), ТИИИМСХ ва Ўзбекистон пахтачилик илмий-текшириш институти ҳамкорлигидаги мазкур лойиҳа қишлоқ хўжалиги ва унинг ажралмас қисми бўлган суғориш тизимини бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган.

2018 йилнинг 27-29 ноябрларида Нукусда “Суғоришнинг илғор усуллари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда мутахассислар олдида Исроил давлатида қўлланилиб келинаётган томчилатиб суғориш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувни тежаш

технологиялари намоёиш қилинди. Мазкур усул қўлланилганда картошкани суғорганда 50%, маккажўхорида – 25% сув кам сарфланиши билан бир қаторда, ҳосилдорлик 30% ошаркан[2]. Мазкур усулнинг яна бир устунлиги – минерал ўғитларнинг тенг тарқалиши таъминланади. Семинар иштирокчиларига суғориш техникасини пахта даларида ҳам ўрнатиш ва ишлатиш тўғрисида тушунча берилди. Тадбирда Хоразм вилояти мутахассислари ҳам қатнашди.

Ўлкадаги сув муаммоларини изчил ўрганиш ва амалиёт учун тавсиялар ишлаб чиқаришда Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг (САНИИРИ) алоҳида ўрни бор. Мазкур ташкилот 1997 йилда илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Президентимизнинг 2012 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизими ва илмий муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 33-сонли қарори асосида САНИИРИ ва Сув муаммолари институтлари бирлаштирилиб, уларнинг негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институти таркибида Ирригация ва сув муаммолари институти ташкил этилди. Институтда ишлаётган 130 дан ортиқ ходимлар орасида 5 фан доктори, 22 фан номзодлари, кўп йиллик тажрибага эга инженерлар бор эди[3].

Тадқиқот методологияси: Тадқиқотда хронологик кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик, детерминизм тамойиллари, тизимли ёндошув, холислик тамойиллари каби методлардан унумли фойдаланилди.

Натижалар ва муҳокама:1993-1994 йилларда техника фанлари номзоди Ў. Муҳаммадиев раҳбарлигида Рўзмат Мадаминов номидаги ширкат хўжалигининг пахта майдонларида, асосан иссиқхоналарда қўлланиб келинаётган, томчилаб суғориш усули тажриба–синовдан ўтказилди ва катта самара олинди. Мазкур усулни тупроқнинг шўрланиш даражаси пастроқ, яъни 0,8 грамм-литргача бўлган ерларда қўллаш мумкин деган хулосага келинди[4.197.].

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида пахтачиликни ривожлантиришда суғориш усулларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш муаммоларига эътибор қаратилди. Жумладан, далаларни суғоришда жўякларни олиш, зах сувларни қочиришда дренаж усулини қўллашнинг янги йўналишлари асослаб берилди. Урганч Давлат университетида ташкил этилган “Ресурс тежамкор қишлоқ хўжалиги технологиялари” илмий-тадқиқот лабораторияси ходимларининг изланишлари натижасида экин майдонларини лазер нивелири ёрдамида текислаш усуллари ишлаб чиқилди. “Собир гурланли” фермер хўжалигидаги 100 гектар майдонда ўтказилган тажриба натижасида сув сарфи 20 фоизга,

суғориш харажатлари 21 фоизга камайди, ҳосилдорлик бир неча центнерга кўтарилиб, даромад 150,8 минг сўмга ошди[5.].

Собиқ иттифоқ тарқалиб кетгандан кейин, “Амударё” ва “Сирдарё” хавза сув хўжалиги бирлашмалари (ҲСХБ) Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиясига (МКВК) бўйсундирилди. Мазкур комиссия 1992 йил 18 февралда Олма-ота шаҳрида имзоланган “Халқаро сув манбаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш, бошқаришда ҳамкорлик тўғрисида”ги келишув асосида ташкил қилинган бўлиб, Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар ҳудуди доирасида фаолият юритарди. Комиссия таркибига 5 нафар сув хўжалик министрлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари киритилди. Комиссиянинг Илмий Тадқиқот Маркази (НИЦ) ташкил қилинган бўлиб, давлатлараро сув хўжалиги маълумотларини умумлаштириш ишлари ҳам бошланди. Шу кенгашда “Амударё” ҲСХБга раҳбарлик УПРАДИК бошлиғи О.В. Лондарев зиммасига юклатилди.

“Амударё” хавза сув бирлашмасига Панж, Вахш, Кофирнигон ва Амударёдан оқиб келадиган асосий сув захираларини бошқариш вазифаси юкланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд Қашқадарё ва Зарафшон дарёларининг сувлари Амударёга деярли тушмайди ва борлари ҳам ички заруратдан ортмайди. Туркменистон Республикасининг Мурғоб, Тажан ва Атрек дарёлари эса қўшни Эрон ва Афғонистон давлатлари билан чегара ҳудудлардан оқиб ўтади ва ички сув йўллари сифатида ўз бошқарув тизимига эга.

Амударё хавзаси 1327 км². иборат бўлиб, дарёнинг йиллик ўртача сув сифими 79,3 минг км³. ташкил қилади (*шу жумладан 61,2 км³ Амударёнинг ўз сувидир*). Дарё сувининг 74 % Тожикистон Республикаси ҳудудида тўпланади. 2000 йилга келиб дарёдан суғориладиган ер майдони 3,56 млн. гектарга етди[6.]. Мавжуд сув захиралари ўлчовли бўлганлиги сабабли, давлатлараро келишувга биноан 59,4 км³. сув тақсимоти амалга оширилади ва қолгани Оролни сақлаб қолиш учун ажратилади. Катта майдон ва сув ресурсларидан фойдаланиш, каналлар ва гидроиншоотларни ишлатиш учун Қўрғонтепа (*Тожикистон*), Туркманобод (*Туркменистон*), Урганч (*Ўзбекистон*) ва Тахиатош (*Қорақалпоғистон*) ҳудудий бошқармалари шакллантирилган.

Амударёдан оқиб келадиган сув 1992 йилдан бошлаб, Халқаро Мувофиқлаштирувчи Сув Хўжалиги Комиссияси (МКВК) тасдиқлаган лимит асосида бўлинади. Мазкур ҳолатда экин майдонларининг шўр ювиш, вегетация ва вегетация оралиғидаги суғорилиши даври эътиборга олинади. Хусусан, дарёнинг юқори оқимида: 1. Қирғизистонга — 0,45 км³.; Тожикистонга — 9,50 км³.; Ўзбекистонинг Сурхондарё вилоятига — 1,20 км³. сув ажратилади. Ўрта оқимдаги Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаларига тенг — 22,0

км³. сув бўлинади. Орололди минтақасидаги экологик вазиятни сақлаш мақсадида санитар сувлар ҳажми — 0,8 км³, Орол денгизи ва Орололди зонасига — 3,5 км³. сув тақсимлаш режалаштирилган.[7].

Амударё трансчегаравий дарё бўлганлиги сабабли, у билан боғлиқ яна бир муаммо кескин ҳолатда қолмоқда. Дарёнинг юқори қисмида мавжуд бўлган коллектор-дренажлар сувларини дарёга ташлаш ҳолатларига чек қўйиб бўлмапти. Хусусан, кейинги 12 йил давомида дарёга ўртача 33,0 км³. оқова сувлар ташланди, бу эса йилига 2,75 км³. тўғри келади[8]. Саноат корхоналари ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг тозаланмаган чиқиндилари, кишлоқ хўжалиги айланмасидаги ерларнинг шўри ювилиши, суғориш натижасида минерал ўғитлар қолдиқлари эриган сувларнинг жинояткорона равишда дарёга ташланиши, унинг қуйи оқимида яшаётган ҳамда сув истеъмол қиладиган одамлар ва ҳайвонот дунёси учун ўта хавфлидир.

1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) “Чегаравий сув оқими ва халқаро кўлларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида” (“Сув конвенцияси”)[9.13] ва 1997 йилда “Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида”ги конвенцияларни тасдиқлади. Мазкур ҳужжатларда давлатларнинг ўз ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар сувларидан фойдаланиш ҳуқуқи, мажбуриятлари, қарорлар қабул қилиш учун лойиҳаларни бамаслаҳат ишлаб чиқиш зарурлиги қайд қилинди.

“Амударё” сув хўжалиги ҳавза бошқармаси мутахассисларининг маълумотларига қараганда, кейинги 23 йилдан 10 йилда дарёдан келаётган сув етарли бўлган. Айниқса, 1991-1992 йиллар жуда серсув келиб, дарёдан келган сув ҳажми 80,9 км³. га тенг эди. Ўз навбатида 1988-1989, 2000-2001, 2007-2008 ва 2010-2011 йилларда сув ҳажми жуда паст бўлган[10]. Натижада кейинги 13 йилда Орол ва Оролбўйи ҳудудларига сув кўзлангандан жуда кам миқдорда етиб борган. Дарёдан сувнинг кам оқиб келиши Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик вазиятни янада кескинлаштирди. Тўпланган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 13 йил давомида Орол ва Оролбўйи ҳудудларига етказиб берилиши режалаштирилган сув миқдори бажарилмаган. Айниқса, сув тақчил бўлган 2000-2001 йилларда Оролга атиги 546 млн. м³. сув тушган, холос. 2002 йил ёзида Амударё дельтасига катта миқдорда сув оқиб келди ва экологик шароитни бироз тиклаш имкони пайдо бўлди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида кўллар ва сув ҳавзалари тўлдирилди, бир қисм сув Орол денгизининг жанубига ҳам етиб борди. Оролбўйи ҳудудида ҳаёт яна жонланди.

Кўп йиллар давомида сақланиб келаётган яна бир муаммо — Амударёнинг 45 % сувини оладиган Қорақумдарё билан боғлиқдир. Узунлиги 1445 км., кенлиги 200 ва

чуқурлиги 7,5 метрга етказилган канал ҳар куни дарёдан 600 м³/сек. ва йилига 12-13 км³. сувни доимий равишда олиб туради[11.]. Қорақумдарё ҳавзасида 50 дан ортиқ шаҳар-қишлоқлар жойлашган ва Туркменистоннинг 48 % аҳолиси яшайди, 619 минг гектар ерлари суғорилади ва 60 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади[12.229]. Дарёдан мазкур каналга кирган катта миқдордаги сув ботқоқликлар ва ҳатто кўллارни вужудга келтирган. Қақроқ чўлдан ўтган каналдан эса кўшимча сув буғланади (*ўртача 20%*) ва атрофдаги майдонлар шўрланиши давом этади. Бунинг устига каналнинг қуйи қисми яқинида 2002 йилдан бошлаб қурилаётган: майдони 3460 км². ва сиғими 132 км³., баҳоси 4 млрд. долларга тенг” Олтин аср — Туркман денгизи”[13.] деб номланган йирик сув ҳавзасининг ишга туширилиши яна катта миқдорда сувларнинг бир жойда тўпланиши ва саҳрога шимилиб кетишига олиб келади. Мазкур сув омборига Дарёлик ва Озерный коллекторлари орқали Хоразм ва Дошўғиз вилоятларидан чиқадиган 1,0 км³. сизот сувларни оқизилиши ҳам кўзланган[14.62]. Амударёнинг юқори ва ўрта қисмидан ўлчовсиз сув олинishi — қуйи қисмидаги экологик ҳалокат зонаси табиати ва аҳолининг риск-насибасини қисқартиради.

Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинган кунларда халқимиз дуч келган фожиалар орасида **Орол муаммоси** ҳам кўндаланг бўлиб турарди. 1992 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қорақалпоғистон Республикасида табиий офат асоратларини бартараф этиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечишни тезлаштириш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши Хоразм вилояти учун ҳам муҳим ҳисобланарди.

1960-1990 йиллар оралиғида Орол денгизи ҳавзасидаги суғориладиган майдонлар 2 марта (*4,3 млн. гектардан 8,2 млн. гектарга*) кенгайган ва ирригация учун чучук сувдан фойдаланиш ҳам икки марта ошган. Натижада 1990 йилга келиб Орол денгизи сувлари 20 метрга пасайиб кетган[15.]. Бугунги кунда денгиз акваторияси 70% қисқарган ва қирғоқлари 100 км. чекинган. Бир неча қисмга бўлиниб ётган денгизнинг айрим жойларида сувнинг шўрлиги 60% етган[16.].

Мутахассислар ҳисобларига қараганда, Амударёдан Оролбўйи ҳудудига ҳар йили камида 8 км³. сув келиб туриши керак (*2015 йилга бориб бу кўрсаткич — 11 км³. ўсади*)[17.45]. Демак, Амударёдан сув оладиган барча мамлакатлар ва вилоятлар мутасаддилари вазиятни холисона баҳолаб, адолат юзасидан сувни тақсимлаш ва ҳамкорликда экологик хавф-хатарни бартараф этишга астойдил ҳаракат қилмоқлари керак.

Оролни сақлаш борасида таклиф этилган айрим лойиҳаларнинг амалга оширилиши бир қатор ишлар яхши натижалар бермоқда. Хусусан, "Амударё дельтасида кичик кўллар барпо этиш" лойиҳасини амалга оширишнинг 2001 йилдан бошлаган дастлабки босқичида ўзлаштирилган 2 млрд. сўм ҳисобига 9 та объект ишга туширилди, жумладан, 5 та сув чиқариш иншооти, 45 км. дамбалар қуриш, умумий майдони 70 минг гектар ва 810 млн. м³. ҳажмга эга бошқариладиган муҳандислик сув ҳавзаларини бунёд этилди[18.]. Ўтган 15 давомида Амударё дельтасидаги 180 минг гектар майдонга сув чиқарилди ва кичик кўллар ташкил этилди. Келажакда ушбу кўллар сув майдони 230 минг гектарга етказилади. Оролбўйи ҳудудларида 740 минг гектар ва денгизнинг сувсиз қолган 400 минг гектар майдонларида ўрмонзорлар яратилди.

Экологик хавф-хатарлар кучайган бир даврда, 1997-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида замонавий амбулатория-поликлиника муассасалари фойдаланишга топширилди, 5,8 минг ўринлик тиббиёт муассасалари қурилди ва реконструкция қилинди, 840 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади[19].

2015 йил 9 июнда БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Душанба шаҳрида ўтказилган "Ҳаёт учун сув — 2005–2015" мавзусидаги халқаро анжуманда қатнашди. Унда асосий сув захиралари шаклландиган Помир ва Ҳиндиқуш тоғларидаги музликлар, минтақадаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Оролни сақлаш лойиҳаларини молиялаштиришда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа иқтисодиёт комиссияси, Япония, Германия, Хитой ва бошқа давлатлар ёрдам бермоқда. Ўзбекистон ҳукумати кейинги ўн йил давомида Оролбўйи аҳолиси ҳаёт тарзини юксалтириш, янги ишчи ўринлари очиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда денгиздаги сув ресурслари ва атроф-муҳитни ҳимоялаш йўналишларига 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 майдаги фармойиши асосида 2013-2015 йилларга мўлжалланган бир қатор лойиҳалар белгиланди. Улар орасида "Амударё дельтасида кичик кўллар ташкил этиш" лойиҳаси бўлиб, Оролга яқин ҳудудларда кичик ҳажмли сув ҳавзалари барпо этиш ишлари бошланди. Натижада 2002-2012 йилларда Орол яқинида 4 дамба, 6 та сув тақсимловчи гидроиншоот ишга туширилди. Умумий майдони 64 минг гектарга тенг кўлларда сувни сақлаш ҳолати яхшиланди. Бу эса чорва моллари учун озуқа захираларини яратиш, сув ҳавзаларида

кушлар ва мўйнали хайвонлар сонининг кўпайишига ижобий таъсир қилди. Янги тикланган сув ҳавзаларида 60 та балиқчилик хўжалиги фаолият бошлади.

Мазкур йўналишдаги ишларнинг 2020 йилгача режалари ишлаб чиқилди. Биринчи навбатда 30 минг аҳоли истиқомат қиладиган, 25 минг бош қорамол ва 30 минг бошдан зиёд кўй-эчки боқилаётган Мўйноқ туманидаги Ахантай ва Оққум массивларида химояловчи ўрмон ўсимликлари, қурғоқчилик ва шўрга чидамли бутазорлар барпо этиш, дарахтлар ва ўсимликларни кўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда. 2014 йилги маълумотларга қараганда, 20 минг гектар майдонда саксовулзор барпо этилиб, унинг 1000 гектарига 900 минг туп саксовул ўрнатилган. Ҳар бир туп саксовул ва черкез 3 тоннагача тузли қумнинг кўчишини тўхтатиб тураркан[20.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 августдаги фармойишига биноан “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро анжуман ўтказиш режалаштирилди. Натижада Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларни юмшатиш ва уларнинг ечимини топиш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг айрим долзарб масалалари 2014 йил 28-29 октябрда Урганч шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда муҳокама қилинди. Унда 26 та мамлакатдан келган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегациялари, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли олим ва экспертлардан иборат 200 дан ортиқ меҳмонлар қатнашдилар. Конференция қатнашчиларига видео орқали мурожаат қилган БМТ Бош секретари Пан Ги Мун Орол атрофидаги кескинликни юмшатиш юзасидан халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришга чақирди.

Бугунги кунда Оролни сув билан таъминлаб турадиган дарёлар сувлари 5 баробар ва денгизнинг ўз суви — 14 баробар камайган бир вақтда, унинг шўрланиш даражаси — 13-25 марта кўпайган (*бу Тинч океани минераллашув даражасидан 7-11 марта кўп*). Бир вақтлар Орол денгизи ва унинг атрофида 230 дан ортиқ ўсимликлар мавжуд бўлган бўлса, улардан 160 таси қолди ва яна 11 таси йўқолиш арафасида, 38 хилдан ортиқ балиқ, 12 сут эмизувчилар, 26 та кушлар ва бошқа денгиз мавжудотлари деярли ҳалокат ёқасига келиб қолди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги қум саҳросидан ҳар йили атмосферага қарийб 100 млн. тонна чанг ва захарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга (400 км. майдонларга) ҳам тарқалмоқда[21.].

Оролни сақлаш 3-Дастурида Хоразм вилоятидаги магистрал коллекторларни қайта тиклашга — 150,0 млн. доллар, магистрал Тошсоқа каналини реабилитация қилишга — 129,3 млн. доллар, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондаги ичимлик суви тизимини такомиллаштиришга — 150,0 млн. доллар, Копарас сув омборидан 2-чи навбат сув қувурларининг қурилишига — 11,6 млн. доллар, Амударё ўзани ва каналларни тозалаш ҳамда сув таъминотини яхшилаш мақсадида янги земснарядлар олишга — 31,4 млн. доллар, Урганч экскаватор заводини ишга тушириш ва техника асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга — 9,1 млн. Доллар ҳажмидаги инвестициялар ажратиш кўзланганди[22].

Қуйи Амударё ҳавзасида яшаётган аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида “Туямўйин–Урганч” ва “Туямўйин–Нукус” магистрал сув қувурларини ётқизиш ишлари амалга оширилди[23.]. Туямўйиндаги Копарас сув омборидан бошланадиган ушбу йирик қувурлар орқали узатиладиган ичимлик суви Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг аҳоли яшайдиган туманлари марказларига етказилди.

Хулоса ва таклифлар:

XX асрнинг 20-йилларидан Ўзбекистондаги суғорма деҳқончилик Орол денгизига тушадиган сувдан инсофсизларча фойдаланиш эвазига амалга оширилди ва унинг оқибатлари бугунги кунда яққол хавфга айланди. Ўз навбатида ер ва сув бойликларидан самарали ва доимий фойдаланиш эса мавжуд табиат захираларини иқтисодий ва маъмурий бошқарувга тизимига мос келишига ҳам боғлиқ. ЮНЕСКО ташкилотининг 2000 йилда маъқулланган “Орол ҳавзасининг 2025 йилдаги сув кўриниши” дастури денгиз сатҳини тиклаш йўли билан унинг атрофида яшаётган аҳолининг турмуш шароитларини изга солишга қаратилган. Бу борада Амударё сувидан фойдаланган ҳолда яшаётган ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина соҳалари билан банд бўлган Хоразм вилояти аҳолиси ҳаётига ҳам эътиборни кучайтириш муҳим вазифалар қаторида тан олинган. Лойиҳада илгари сурилган ғоялардан бири — экологик мувозанатни тиклаш учун қишлоқ хўжалигига ажратилган ер майдонларининг бир қисмига ўрмон массивларини жойлаштириш, муҳим агротехник тадбирлар қаторида суғориш технологиясини такомиллаштириш (*ғўза қатор ораларига полиэтилен пленкалар ва шлангалар ёрдамида сув таратиш, томчилаб суғориш ва ҳ.*) билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда сув инсон истеъмол қиладиган энг муҳим неъматлардан бири сифатида ичимлик сувининг санитар таркибини ўрганиш, уни шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси етказиб бериш тизимини қайта қуриш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш каби ҳаётий масалалар ҳам диққат марказидан четда қолмаслиги керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хоразм вилоят ГГМЭнинг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисида маълумотнома.
2. Современные методы ирригации – опыт Израиля представляют в Каракалпакстане // www.UzDaily.uz/30/11/2018.
3. Беглов И.Ф. Научно-производственное объединение "САНИИРИ", 25.12.2009 // WWW.Saniiri@tkt.uz; <http://kaniiri.zzl.org>.
4. Ўтамов Ж., Муҳаммадиев Ў. Аср бошидаги синов. – Б. 197-198. Ушбу тажриба Ў. Муҳаммадиев томонидан 1969-1972 йилларда Кўлтэнглаштирувчи коллекторининг Хива туманидан ўтадиган 301-пикетидаги тўсувчи иншоот яқинида ҳам синаб кўрилганди.
5. Ражабов О. Сув тежамкор технология — давр талаби // “Хоразм ҳақиқати”, 2014, 26 ноябрь.
6. БВО “Амударья” // WWW.Google.com; Совместное заявление Глав государств-учредителей МФСА // WWW.Google.com
7. Юсупов Э. Опыт работы УПРАДИКа БВО “Амударья” в управлении трансграничными водными ресурсами // WWW.Upradik@mail.ru; Назарий А.М. БВО “Амударья” о вопросах водной безопасности в бассейне реки Амударья // WWW.Google.com.
8. Кдырнязов Б. БВО “Амударья” — 20 лет в составе МКВК // WWW.amubvo@yahoo.com.
9. Батизи А.Э. Проблемы водных ресурсов в развитии отношений России с соседними странами и участие государств в их регулировании. Дисс... докт. экон. наук. — М., 2007. – С. 13.
10. Кдырнязов Б. БВО “Амударья” — 20 лет в составе МКВК // WWW.AmuBVO@yahoo.com.
11. *Каракумский канал // WWW.Wikipedia.com; Google.com; Современная ирригационная сеть в бассейне реки Амударья в Узбекистане и ее влияние на экологическое состояние окружающих территорий. 24.07.2013. // WWW.Google.com.*
12. Туркменская ССР. — Ашхабад: Энциклопедия, 1984. – С. 229.
13. Жильцов С., Зонн И. Борьба за воду // WWW.Google.com; Большурадов К. М. Туркменское Озеро Золотого века и его роль в экологическом оздоровлении окружающей среды // "Стройка". — Ашгабат, 2004. – № 31 // WWW.Google.com; Камалов Ю.С. Аральское море, проблемы, легенды, решения // WWW.Экодело.uz.
14. Большурадов К.М. Туркменское озеро “Золотого века” и его роль в экологическом оздоровлении окружающей среды // В сб.: Экологическая устойчивость и передовые подходы к управлению водными ресурсами в бассейне Аральского моря // Материалы

Центрально-азиатской международной научно-практической конференции в г. Алматы, 6-8 мая 2003 г. — Алматы–Ташкент, 2003. – С. 62-63.

15. Совместное заявление Глав государств-учредителей МФСА // WWW.Google.com. Юсупов Э. Опыт работы УПРАДИКа БВО “Амударья” в управлении трансграничными водными ресурсами // WWW.Upradik@mail.ru.

16. Камалов Ю.С. Аральское море, проблемы, легенды, решения // WWW.Экодело.uz.

17. Худайбергганов Ю.Х., Лысенко О.Г., Сорокин А.Г. Анализ фактического состояния управления водными ресурсами в бассейне реки Амударья в региональном уровне ... – С. 45.

18. В Приаралье создаются локальные водоёмы // WWW.Газета.uz. 2009, 12 июня.

19. Шоева С. Янги лойихалар ободлик хизматида // “ХХ”, 2014, 8 октябрь; Ражабов О. Баҳри уммон билан юзма-юз // “ХХ”, 2014, 25 октябрь; Мамедова М. Саъй-харакатларни мувофиқлаштириш йўлида // “ХХ”, 2014, 1 ноябрь.

20. Шоева С. Янги лойихалар ободлик хизматида // “ХХ”, 2014, 8 октябрь; Ражабов О. Баҳри уммон билан юзма-юз // “ХХ”, 2014, 25 октябрь.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро анжуман иштирокчиларига мурожаати // “ХХ”, 2014, 1 ноябрь; Маметова М. Орол муаммосини бартараф этиш йўлида // “ХХ”, 2014, 13 сентябрь; Шулепина Н. Когда мелеет Амударья // WWW.Sreda.uz.

22. Совместное заявление Глав государств-учредителей МФСА // WWW.Google.com; Маҳмудов М. Ҳамжихатлик самара беради // “Хоразм ҳақиқати”, 2014, 1 ноябрь.

23. Қаландаров Мадийр Каримович (23.04.1950, Шовот тумани) — “Туямўйин–Урганч” минтақаларо сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси директори (2013). ТошПИ тугатган (1974). Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Урганч қурилиш техникумида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик вилоят “Водоканал” ишлаб-чиқариш бошқармасида муҳандис, сув тозалаш иншоотлари бошлиғи, директор ўринбосари, бошқарма бошлиғи (1976-1989), “Туямўйин–Нукус” ва “Туямўйин–Урганч” сув ўтказгичларини тузатиш ва ишлатиш бошқармаси бош муҳандиси (1989-1990), директори (1990-2001), “Туямўйин–Урганч” минтақаларо сув қувуридан фойдаланиш ва уни ривожлантириш бошқармаси директори (2001-2004), технолог–мутахассиси (2004-2008), Урганч шаҳар сув тозалаш иншооти бошлиғи (2008-2013) лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фахрий ёрлиғи (1994) билан тақдирланган. “Коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” (2000).